

УДК 339.543

Ж.Т.Усмонов

ЮКЛАРНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШДА ХАТАРЛАРНИ БАШОРАТЛАШ МОДЕЛИ

Мақолада божхона хатарлари нұқтаи назаридан божхона юк декларацияларини комплекс бақолаш алгоритми ишлаб чиқылған. Балли методда күшімчада тарзда ўзгариш күрсаткышлари ва эксперт томонидан бақолаш методини құллаш орқали божхона хатарларини бақолаш методларидан фойдаланиш тақлиф этилған. Шунингдек, мақолада мувофиқлик коэффициентлари ва божхона хатарларини жамланған факторларини қуриш орқали ўтказылған божхона хатарини балли бақолаш методи хүсусий ҳолати синови мисол таріқасыда көлтирилған.

Калит сұздар: божхона хатарлари, эксперт бақолаш методлари, балли метод, мувофиқлик коэффициенти.

Кириш. Турли давлатларнинг божхона хизматлари учун ташқи савдонинг интенцификациясида савдо айирбошлашга максимал ёрдам бериш учун ташқи иқтисодий фаолиятни самарали тартибга солиши масаласи энг истиқболли масалалардан хисобланади. Божхона органлари томонидан хатарларни бошқариш тизимиңнинг (ХБТ) құлланилиши ушбу мақсадға эришишга имкон яратади. Бунда юкларни ташиш бўйича божхона қонунчилигига риоя этмаслик каби энг юкори хатарлар назорат қилинади[1].

Хатарли вазиятларнинг турли таснифларига эга товарларнинг ҳаракати хүсусиятларини инобатта олган ҳолда, хатар даражасини бақолаш балли методи, таҳлил жараёнига юкларни божхона декларацияси ва товарларни декларациялаш (ЮБД/ТД) графини максимал бириктириш, янги вужудга келган хатарли вазиятларда эксперталар фикридан фойдаланиш имконияти, одам омили иштирокисиз ўрта даражадаги хатарни юкори ёки қуи даражага ўтказиши, ҳамда хатарларнинг янги факторларини балли методда киритиш имкониятларини талаб этади[2].

Масаланинг ечилиши

Ахборот алмашиб аломатларини танлаш, ўрганилаётган күрсаткичга алоҳида ЮБД/ТД графларининг таъсир меъёрига якинроқ гипотезани

$$J(x_{i,j}) = 5 \lg \left(\frac{P_A(x_{i,j})}{P_{\bar{A}}(x_{i,j})} \right) p_A(x_{i,j}) - P_{\bar{A}}(x_{i,j})] \quad (1)$$

бу ерда, $P_A(x_{i,j})$ – божхона қонунчилиги бузилиши юзага келганды $x_{i,j}$ аломатида градациянинг мавжудлик эҳтимоли;

$P_{\bar{A}}(x_{i,j})$ – божхона қонунчилиги бузилиши мавжуд бўлмаган ҳолда $x_{i,j}$ аломатида градациянинг мавжудлик эҳтимоли;

i - аломат рақами;

j - аломат градацияси.

Аломат сифатида, тақдим этилған ёки мувофиқ бўлган ЮБД/ТД графи ёки уларни ўзаро боғлиқ божхона хатар факторлари көлтирилған.

$$DK(x_{i,j}) = 10 \lg \left(\frac{P_A(x_{i,j})}{P_{\bar{A}}(x_{i,j})} \right) \quad (2)$$

Балли методини қўллаш методикаси алоҳида ЮБД/ТД графлари диагностика коэффициент-ларининг бевосита йигиндисидан иборат. Статистик тадқиқотнинг кейинги босқичи хатарнинг ҳар бир даражаси (куйи, ўрта ва юкори) учун мувофиқ балл чегарасини аниқлашдан иборат.

инобатта олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шунингдек, божхона қонунчилигининг бузилишига нисбатан инобатта олинган графнинг барча доираси ахборотлашганлигини эмпирик текширувани ўтказиши мумкин.

Бажарилаётган ишнинг ижобий якунланишида божхона хатари мавжудлиги ҳақида алоҳида ёки умумлашган ҳолда ахборот аломатлари аниқланиши лозим. Кейинги ўринда ҳал этувчи қоидалар аниқланади, яъни у ёки бу графларга баллар бириктирилади. Ҳосил бўлган баллар йиғиндиши асосида божхона қонунчилиги бузилишининг эҳтимоли юкори ёки божхона қонунчилиги бузилиши эҳтимолининг мавжуд эмаслиги, оралиқ каби соҳалар аниқланади[2].

Дастлабки таҳлил жараёнида 15 та ЮБД/ТД графлари орқали тақдим этилған божхона хатарларининг 20 та факторлари аҳамиятлилиги аниқланған. Бунда, божхона хатар факторлари остида божхона қонунчилиги бузилишининг потенциал эҳтимоли ҳақида гувоҳлик берувчи күрсаткичлар тушунилади[4].

ЮБД/ТД графи ахборотлашувини аниқлаш учун (божхона хатари фактори) ахборотлашув күрсаткичлари ёки Кульбак методи қўлланилиши мумкин [3].

x_i аломатнинг $J(x_{i,j})$ ахборотлашувини бақолаш учун аломатнинг мувофиқ ракамини Кульбак меъёрига қўшиш лозим $J(x_i) = \sum_j J(x_{i,j})$.

Аломатнинг ахборотлашуви қанча юкори бўлса (аломат градацияси), божхона хатарининг вужудга келишини аниқлаш ва прогнозлаш шунча самарали хисобланади.

Юкори даражали ахборотлашувни таснифловчи ЮБД/ТД графи учун балларда хатарнинг мавжудлиги нұқтаи назаридан ҳар бирини бақолаш имконини берувчи диагностика коэффициентини хисоблаш керак.

$$DK(x_{i,j}) = 10 \lg \left(\frac{P_A(x_{i,j})}{P_{\bar{A}}(x_{i,j})} \right) \quad (2)$$

Күйида ЮБД/ТД диагностик коэффициентларининг суммаси аниқ ижобий чегарага эришилган ҳолати келтирилган. Агар сумма белгиланган салбий чегарадан ўтиб кетса, божхона хатарининг кўйи даражаси ҳакида огоҳлантирувчи кўшимчага божхона расмиятчиликларисиз ЮБД/ТД ни рўйхатга олиш таклиф этилади. Агар ЮБД/ТД диагностика коэффициентларининг суммасига божхона хатарининг ўрта даражаси бириктирилган бўлса, божхона инспектори ушбу декларацияни кўйи ёки юқори даражали божхона хатарларига ўтказиш бўйича қарор қабул қилиши лозим.

Ўрта даражали хатарларни ўтказиш учун статистик воситалар қўлланилиши мумкин. Масалан, ўрта квадрат чекланиши, (s). Ўрта квадрат чекланиши қўллаш орқали хатарли вазиятларни таҳлил қилиш статистик методининг мақсади у ёки бу хусусият таснифининг ўртача катталигини, ҳамда унинг атрофида қийматларни тақсимлашдан иборат. Алоҳида объектлар бўйича қийматларни тақсимлаш $\bar{X} \pm 3s$ дан ташқарига чиқса, вазият хатарли деб топилади, таҳлил этилаётган графларга юқори балли кўрсаткичлар бириктирилади ва ўрта даражали хатар юқори даражага ўтказилади.

Агар, таҳлил этилаётган аломат қиймати $\bar{X} \pm 3s$ чегарасида жойлашган бўлса ушбу графларга кўйи балли кўрсаткичлар бириктирилади ва хатарнинг ўрта даражаси кўйи даражага ўтказилади. Тъкидлаш жоиз, божхона органларида мавжуд маълумотлар базаси ушбу хатарли вазиятларни баҳолаш методини актив қўллаш учун омил яратиб, келтирилган статистик таҳлилни кенг кўламда амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, у ёки бу ҳодиса ҳакидаги маълумотни олиш имкониятини йўқлиги ёки вақтинча молиявий ресурслар нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмаган вазиятларни учратиш мумкин. Бунда, божхона хатарини баҳолаш қарор қабул қилувчи шахслар (экспертлар) фикрини қайта ишлаш натижасида олинган эҳтимолларни қўллашга асосланиши мумкин. Шунингдек, эксперт фикрлари янги божхона хатарлари факторларини аниқлашда қўлланилиши мумкин. Бундай вазиятда таклиф этилган божхона хатарини балли баҳолаш методи очик модели (ЮБД/ТД ни қўллаган ҳолда) янги божхона хатари факторлари билан мунтазам равища янгиланиб боради (хатарли вазиятларни статистик баҳолашга асосланган божхона хатарлари факторларининг янгиланиб бориши билан биргаликда).

$$H = \frac{(D + O + Z)}{\text{Max}_{qiymat}} \quad (3)$$

бу ерда, H - экспертлар компетентлиги коэффициенти, D - экспертга “олий таълимга эга” кўсаткичи бўйича бириктирилган баллар сони, O - экспертга “умумий иш стажи” кўрсаткичи бўйича бириктирилган, баллар сони, Z - экспертга “мутахассислиги бўйича иш стажи” кўрсаткичи,

Max_{qiymat} – D, O, Z бўйича максимал сумма.

Эксперт баҳоларини статистик баҳолар билан ўрта ёки ундан юқори келишилганлигига керакли

Янги хатарли вазиятларни аниқлаш ёки прогнозлаш экспертларнинг фикрлари, ҳамда хатарли вазиятлар таҳлилини статистик баҳолаш билан ўзаро келишилган бўлиши лозим. Агар келишувга эришилган бўлинса, у ҳолда кийин хатарли вазиятларни таҳлил қилишда эксперт баҳолаш қўлланилиши мумкин. Эксперт баҳоларининг ҳаққонийлигини аниқлаш мавжуд усуllibari, эксперт фикрларининг келишувидаги баҳоларнинг ҳаққонийлиги кафолатланади деган хуласага асосланган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун одатда эксперт фикрларининг аниқлик даражасига баҳо бериш имконини берувчи катталик –мувофиқлик коэффициенти қўлланилади. Агар ўтказилган хисоблаш натижасига кўра мувофиқлик коэффициенти қиймати 1га яқин бўлса экспертларнинг баҳолари орасидаги алоқа яқин деб баҳоланади.

Эксперт баҳоларининг ҳаққонийлигини аниқлаш учун уларнинг ўзаро келишув коэффициентини аниқлаш етарли эмас. Муҳимлик статистик даражалари (диагностика коэффициентлари) билан баҳо келишувларини ҳам хисоблаш зарур. Эксперт баҳоларини олинган диагностика коэффициентлари билан келишилганлигини аниқлаш учун Спирмен ва Кендалла корреляция коэффициент даражаларини қўллаш таклиф этилган.

Шуни инобатга олиш жоизки, бир хил маълумотлар мажмуй учун Спирмен коэффициенти ёрдамида олинган баҳолар Кенделла коэффициенти баҳоларига нисбатан бироз юқори чиқади.

Агар Спирмен коэффициентидан олинган қиймат, эксперт маълумотлари ва статистик маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган баҳолар орасидаги алоқа яқин деб топилса, Кендалла коэффициентидан фойдаланишга эҳтиёжи қолмайди. Агар олинган қиймат ҳодисалар орасидаги алоқа заиф деб топилса, қайта баҳолаш Кендалла коэффициентини қўллаш орқали амалга оширилади.

Хисоблаш натижасида эксперт ва статистик баҳолари келишилганлик коэффициенти заиф деб топилса, экспертларни компетентлигини инобатта олувчи методни қўллаш таклиф этилади.

Ҳар бир экспертга бириктирилган кўрсаткич умумий ҳолда, хусусан улар томонидан ҳаққоний баҳолар (баллар)ни шакллантириш эҳтимоли қайта интерпретацияланади. Ҳар бир экспертнинг компетентлигини аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш таклиф этилади:

статистик маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, ҳамда кейинчалик божхона хатарини баҳолаш балли методига бириктириш мақсадида янги божхона хатари факторларини аниқлаш билан ифодаланувчи хатарли вазиятларни прогнозлаш ва баҳолаш учун эксперт баҳолаш методини қўллаш таклиф этилади.

Кўйида божхона қонунчилиги бузилишини аниқлаш учун оптималь агрегация факторини куриш методининг умумий алгоритми келтирилган:

апробация статистик Божхона текширувларини статистик массивини шакллантириш;

Ҳар бир божхона ревизияси учун альтернатив алломат кўринишида аниқланган:

1. бузилишларни тақдим этиш (1 - бузилиш мавжуд, 0 - бузилиш мавжуд эмас);

2. Ҳар бир божхона ревизияси учун альтернатив алломат кўринишида хатар факторларини тақдим этиш (1 - фактор мавжуд, 0 - фактор мавжуд эмас);

3. Ҳар бир фактор ва бузилиш ўртасидаги мувофиқлик коэффициентини хисоблаш (мувофиқлик коэффициенти 1га яқинлашгани сари, альтернатив алломатлар ўртасидаги алоқа кучлирок бўлади);

4. Фактор мавжуд бўлганда бузилишларни аниқлаш шартли эҳтимолини хисоблаш (шартли эҳтимол 100%га яқин бўлган сари, фактор самарадорлиги ошади);

5. Бузилишни аниқлашда фактор мақжудлигини шартли эҳтимолини хисоблаш (шартли эҳтимол 100%га яқин бўлган сари, бузилишларни аниқлашда фактор тез-тез учрайди);

6. Фактор улушини хисоблаш (камёб учраётган фактруларни тадқиқотдан чиқариб юбориш лозим);

7. 4-7 кадамлар асосида хатарларнинг аҳамиятли факторлари аниқлаш;

8. Хатарнинг аҳамиятли факторлари комбинациясини қуриш (тўпланган факторлар);

9. Тўпланган фактордан тақорланаётган факторларни чиқариб ташлаш;

10. Агар бузилиш шартли эҳтимоли ва мувофиқлик коэффициенти 100%га яқин бўлса, хатарнинг стратегик соҳаси сифатида тўпланган факторларини танлаш.

Хатар факторлари алоқаси яқинлигини таҳлил қилиш учун ва факторнинг натижавийлигини мувофиқлик коэффициентининг қўлланилиши:

$$K_k = \frac{dh - fg}{\sqrt{(d + f) * (f + h) * (g + h)}} \quad (4)$$

бу ерда, d, f, g, h – 1-жадвалда келтирилган қийматлар.

1-жадвал.

Мувофиқлик коэффициенти ва шартли эҳтимолларни хисоблаш маълумотлари

	Ходисалар сони		
	А бузилиш мавжудлиги	А бузилиш мавжуд эмаслиги	Сумма
В факторнинг мавжудлиги	d	f	$d + f$
В факторнинг мавжуд эмаслиги	g	h	
Сумма	$d + g$		

K_k – мувофиқлик коэффициенти - хатар факторлари ва божхона қонунчилигининг бузилиши ҳодисалари орасидаги яқин алоқа ўзаро боғлиқлик дараҷасини кўрсатиб беради. K_k -1 дан +1 гача қийматни қабул қиласи. Қиймат +1 га яқин бўлгани сари, таҳлил қилинаётган ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам кучлирок бўлади.

Маълумотни статистик массивини қайта ишлаш натижасида хабар факторларининг куйидаги аҳамиятли мезонларини ҳосил қилиш мумкин:

1. Ҳар бир хатар факторини самарадорлиги (ушбу фактор мавжудлигига бузилиш ҳосил бўлиши шартли эҳтимоли);

2. Бузилиш билан хатар фактори мувофиқлик коэффициенти;

3. Бузилиш мавжудлигига хатар фактори ҳосил бўлишининг шартли эҳтимоли;

4. Намуна умумий ҳажмида хатар фактори улуши.

Олинган мезонлар асосида хатар факторлари аҳамиятлилиги таҳлили ўтказилади. (ушбу кўрсаткичлар қанчалик 1 га яқин бўлса, шунча фактор аҳамиятли хисобланади). Юкорида келтирилган 4 та кўрсаткич кесимида барча хатар

факторлари таҳлили натижасида 10та энг долзарб факторларни қолдириш мумкин.

- бошқа товарларга нисбатан олиб киритилаётган товарларни етказиб бериш нархи пастрок;

- олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар нархи ўртасидаги тафовут 55% дан кам;

- олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар нархи ўртасидаги тафовут 55 ва 70% оралиғида;

- божхона нархи ва товарнинг чакана нархи энг камида 0,2 дан кам;

- ишлаб чиқарувчи ва товарни юборувчи турли хил мамлакатларда рўйхатга олинган;

- асосий фонdlарнинг мавжуд эмаслиги;

- сотувчи мамлакат – Қозоғистон;

- ишлаб чиқарувчи мамлакат – Хитой;

- ташки манбалардан бузилиш ҳақида маълумот.

Аниқланган бузилишларни шартли равиша – бузилиш майдони, хатар фактори мавжудлигини эса фактор соҳаси деб ифодалаш мумкин. Моделдан асосий мақсад - божхона қонунчилиги бузилиш майдони, бунда ушбу қонун доирасидан имкон кадар чиқмаган ҳолда тўлиқ беркитиб кўйиш соҳаси бўлган оптималь хатар факторлари гуруҳини аниқлашдан иборат. Агар хатар фактори соҳаси бузилиш майдони

чегарасидан чиқадиган бўлса, бу натижасиз текширув эканлиги ҳақида огохлантирилади. Агар факторлар соҳаси ёпилса, текширув қаторларида факторлар бир бирини кайтараётганини англатади.

Тадқиқот якунида Зта статистик хатар соҳаси аниқланди:

Биринчи хатар соҳаси

-бошқа товарларга нисбатан олиб кирилаётган товарларни етказиш нархи паст;

-олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар орасидаги нарх муносабати 55-70%;

-бузилиш ҳақидаги маълумотларнинг ташки манбаларданлиги;

-мувофиқлик, товар ишлаб чиқарувчи ва юборувчи турли мамлакатларда рўйхатга олинган.

Тўплангандай факторлар ва аниқланган бузилишларнинг мувофиқлик коэффициенти 0,85 ҳосил қилган, бу эса ўз навбатида ўзаро алоқанинг юкори даражада эканлиги ҳақида далолат беради. Факторлар бўлган тақдирда бузилиш 92% холатларда, факторлар эса 97% аниқланган.

Иккинчи хатар соҳаси

-бошқа товарларга нисбатан олиб кирилаётган товарларни етказиш нархи паст;

-олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар орасидаги нарх муносабати 55-70%;

-бузилиш ҳақидаги маълумотларнинг ташки манбаларданлиги;

- божхона нархи ва товарнинг чакана нархи энг камида 0,2 дан кам.

Тўплангандай фактор ва аниқланган бузилишларнинг ўртасидаги алоқа мувофиқлик коэффициенти 0,87 ни ҳосил қилганлиги сабабли бундан олдинги соҳага кўра кучлироқ ҳисобланади. Факторлар бўлган тақдирда бузилиш 93% холатларда, факторлар эса 97% аниқланган.

Учинчи хатар соҳаси

-бошқа товарларга нисбатан олиб кирилаётган товарларни етказиш нархи паст;

-олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар орасидаги нарх муносабати 55-70%;

- олиб кирилаётган товар ва бошқа товарлар нархи ўртасидаги тафовут 55% дан кам;

- бузилиш ҳақидаги маълумотларнинг ташки манбаларданлиги.

Хулоса

Иккинчи ва учинчи факторларни умумлаштирган ҳолда олиб кирилаётган товар ва бир хил товар нархи орасидаги тафовутни 70%дан кам деб олиш мумкин. Учинчи жамловчи бузилиш ва аниқланган бузилиш орасидаги алоқа янада кучли ва мувофиқлик коэффициенти 0,9375 ни ташкил этади. Факторлар мавжудлигига бузилиш мавжудлигининг шартли эҳтимоли 98% га тенг бузилиш мавжудлигидаги факторларнинг шартли эҳтимоли 97% га тенг. Шу

сабабли учинчи жамловчи факторлари барча факторлардан энг аҳамиятлиси ҳисобланади.

Статистик методлари таҳлили жараёнида кўп факторларнинг самарасизлиги ўрнатилган (масалан: “оптимал бўлмаган товар етказиш маршрути”; “турли транспорт воситаларида етказиб берилаётган товарларнинг аризаси битта тизимдалиги”; “имтиёзли товарлар”, “транспорт турини ўзгартириш орқали товарларни қайта юклаш ва х.к.”). Кўриниб турибдики, статистик факторларнинг ҳисобини юритиши натижасиз текширувларга, яъни божхона хатарларини аниқламасликка олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилган божхона хатарларини балли баҳолаш методининг функционал алгоритми божхона назоратини хатарларни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. А.Сайдов, М.Мирбобоев, Ш.Алметов, Н.Фаниева, И.Бобоқулов. “Божхона органларининг ахборот тизимлари асослари” – I том. Тошкент – 2016.

2. Кудрявцев О.Е., Соловьев В.В., Соловьева И.В. Выбор объектов таможенного-аудита с использованием системы анализа и управления рисками: Пособие. Ростов н/Д: РИО Ростовский филиал РТА, 2011.

3. Кудрявцев О.Е., Математические методы оценки рисков: Учебное пособие. Ростов-на-Дону, РИО Ростовский филиал РТА, 2015.

4. Ниворожкина Л.И., Морозова З.А. Вероятностные методы в экономике и бизнесе: Тексты лекций и задач. Ч.И. Ростов-на-Дону: РГЭА, 2012.

5. О.Дадабоев, А.Сайдов, Божхона органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш методологияси// “Божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги Республика конференцияси материаллари, 2012 йил 25 май, Тошкент ш.

6. Кротов И.Е. Управление проектом «Электронная таможня» в Европейском Союзе// Материалы I международной научно-практической конференции 21-22 декабря 2009 г., в г. Баку «Информационные системы и технологии в таможенной сфере». Баку, 2010.

Усмонов Жонибек Турдиколович

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети кичик илмий ходим – изланувчиси

Тел.: +998 (99) 8074098

Эл. почта: max_2011@inbox.ru

Usmonov J.T.

Model of Risk Management on Transportation of Goods

Abstract. The article has developed a comprehensive assessment of customs freight declarations in terms of customs risks. In addition to the ball method, it has been proposed to use customs risk assessment methods, using the indicators of change and the expert's assessment method. The article also provides an individual verification of the method of assessing customs risk by forming the coefficients and factors of customs risk.

Keywords: customs risks, expert evaluation methods, ball method, compatibility coefficient.